



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 18-may • Seshanba • 59 (31.179) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ўтган форумда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида изланаётган ёшлар, иқтидорли талабалар, «Келажак овози» республика кўрик-танловининг «Ахборот коммуникацияси ва технологиялари, рационализаторлик тақдифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар» номинацияси бўйича ғолиб йигит-қизлар иштирок этди.

## Илғор ғоя ва ташаббуслар уйғунлиги

Юртимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда. Бу йўналишда иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг ўрни, айниқса, катта.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари маркази кўмаги ҳамда мазкур йўналишда фаол изланаётган ёшлар ташаббуси билан WebCamp халқаро конференциялар тармоғи ташкил этилди. Бундан қўзланган асосий мақсад юртимизда интернет-жадал равнақ топтиришга ҳисса қўшиш, маҳаллий интернет-ресурсларни оммалаштириш, ахборот технологиялари, жумладан, веб-технологиялар соҳасидаги ёш мутахассислар ва тадқиқотчиларнинг касб малакаси ва маҳоратини оширишдан иборатдир.

Жавлон Қаюмов — «East Telekom» компаниясининг мутахассиси. У «Келажак овози — 2010» республика кўрик-танловида «Коммуникацияларни бирлаштириш тизими» лойиҳаси билан ғолиб бўлган. Жавлон ишлаб чиққан лойиҳа телефон тизimini рақамлаштириш,

алоқанинг сифатини ошириш, бу борада қўшимча қулайлик ва имкониятлар яратишда муҳим аҳамият касб этади. Унинг айтишича, «WebCamp халқаро конференциялар тармоғи» лойиҳаси ахборот технологиялари, жумладан, веб-технологиялар соҳасида изланишлар олиб бораётган ёшларнинг эзгу интилишларини бирлаштириш, соҳадаги энг сўнгги янгилик ва ютуқлар, илмий ишланмалардан бохабар бўлиш, илғор ташаббусларни тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда Тошкент давлат техника, Тошкент ахборот технологиялари университетларининг талабалари, веб-студиялар, веб-ишланмаларнинг мутахассислари, блоггерлар, интернет нашрларнинг вакиллари веб-ишланмалар, ижтимоий ахборот, интернет маркетинг, ижтимоий тармоқлар ва блоглар каби шўъбаларда лойиҳа ва маърузаларни атрофича муҳокама этидилар. Айни пайтда анжуман қатнашчилари «Интернет ва таълим», «Веб-технологиялар соҳасида инновацион ғоялар» каби мавзулардаги баҳс-мулоқотлар, маҳорат сабоқлари, давра сўхбатларида иштирок этидилар.

Навокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## «Баркамол авлод йили» Давлат дастури амалда

### МАЪНАВИЯТ ҚЎРҒОНИ

Президентимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида «Маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустақкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим», деган эди.

Пойтахтимиздаги Бобур номи маданият ва истироҳат боғида 15 май — Халқаро оила кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тадбир доирасида «Энг намунали спортчи оила» танлови ҳам ташкил этилди.



4-бет >>>

## Истеъмолчи манфаати,

ҳақ-ҳуқуқи поймол бўлмаслиги керак > 2

## Лейбниц алгебра назарияси

> 3

## Жанжални

катталаштирган катталар > 4

Жаҳонда иқтисодий кўрсаткичларнинг муттасил пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, экспорт кўрсаткичлари ошаётгани, хорижий инвестициялар кенг жалб этилаётгани диққатга сазовор.

Ўзбекистон — ҳар томонлама истиқболли мамлакат. Шунинг учун айтаётган бўлсам, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ташкил этилгани жаҳон бозорига рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, қўшимча иш ўринлари яратишга, аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда».

Хасан ШИВУСАВА,  
«Global Investment for Development» ташкилоти президенти

## Ҳаёт билан ҳамнафаслик

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари ва журналистлар фаол фуқаролик позициясининг аҳамиятига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаятган нодавлат телерадиостанциялар раҳбарлари, журналистлар, олий таълим даргоҳларининг

профессор-ўқитувчилари, талабалари иштирок этди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси Абдурашид Жўрабоев, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Фирдавс Абдуҳалиқов, Маъна-

вият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида юртимизда миллий журналистикани изчил равнақ топтириш жараёнида нодавлат босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, янада ривожлантириш масаласига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги тезкор давр миллий журналистика, жумладан, нодавлат оммавий ахборот воситаларининг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамияти, мазмун-моҳиятини, хорижда содир бўлаёт-

ган воқеа ва ҳодисаларни янада фаолроқ ёритиш баробарида юқори билим ва кўникма, Ватан тақдири учун дахлдорлик, мустақкам ирода, қатъий ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлишни ҳам талаб этади.

Конференцияда оммавий ахборот воситаларига оид амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, қонунчилик тамойилларига риоя этиш, эфир дастурларининг мазмундорлиги ва сифатини ошириш, нодавлат телерадиостанциялар эфир дастурлари таҳлили, маънавий-маърифий ва ижтимоий, мусикий мавзулардаги дастурларни тайёрлаш, эфирга узатишда эътибор қаратилиши зарур масалаларга оид маърузалар тингланган ва муҳокама этилди.

(ЎЗА)

## Сўз — ЎЗХДП фракцияси аъзоларига

### ДАСТУРИЙ АНИҚ ЙЎНАЛИШЛАР

қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади

2-бет

Иқтисодийнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш асосида халқ фаровонлигини янада оширишга қаратилган ислохотларни қонунчилик йўли билан таъминлаш, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури қондаларининг бажарилишини таъминловчи ҳуқуқий базани ва унинг қўлланиш амалиётини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

## «Best Soft Uzbekistan — 2010»

### Энг яхши маҳаллий ишланмалар кўرғазмаси

Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида компьютер дастурчиларининг миллий форуми ва кўрғазмаси иш бошлади.

Юртимиз ва хориж софтвер соаноатининг энг етакчи мутахассисларини жалб қилаётган «Best Soft Uzbekistan — 2010» кўрғазма-форумида ёш истиқболли компьютер дастурчиларини кашф этиш, халқаро тажрибаларни ўрганиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, хорижий ҳамкорлар билан самарали битимлар тузиш кўзда тутилган. Шунингдек, унда республика софтвер маҳсулотлари соаноатидаги энг долзарб ва муваффақиятли лойиҳалар намойиш этилади.

Туртинчи йил ўтказилаётган «Best Soft Uzbekistan» кўрғазмаси ва форуми кенг жамоатчилик ва ахборот соҳаси мутахассисларини мамлакатда дастурий таъминот соҳасида лойиҳаларни яратиш ва амалга ошириш амалиёти билан таништирувчи йирик тадбир сифатида танилган. Бу йилги кўрғазма ва форумнинг 17 май — Ахборот ҳамжамиятининг халқаро кунини ўтказилаётгани Ўзбекистоннинг жаҳон ахборот тизими ривожига қўшаётган ҳиссаси деб баҳолаш мумкин.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси қўллаб-қувватлаши ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ПТ-корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси, «Microsoft» корпорацияси ва БМТ Тараққийёт дастурининг «АКТ сиёсати» (ICTP) лойиҳаси кўмағида ташкил

этилаётган тадбирда 70 дан ортиқ компаниялар иштирок этиб, кўрғазманинг умумий майдони 550 кв. метрни ташкил этади.

— Бу йилги тадбир дастури ўтган йилгиларга нисбатан алоҳида ажралиб туради, — дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мутахассиси Элбек Долимов. — Ўшундан ортиқ семинар, ўнга яқин мастер классни кўзда жамлаган кўрғазма доирасида бир қанча йўналишлар бўйича танлов ўтказилиб, ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Дастурий таъминот — йил маркази, АТ-таълим соҳасининг энг яхши компанияси, 2009 йили жорий этилган энг яхши лойиҳа, талабанинг энг яхши лойиҳаси ва энг яхши инновация маҳсулотини номинацияларида эълон қилинган танловнинг бу йилги иштирокчилари сон жиҳатидан ўтган йиллардагига нисбатан сезиларли даражада қўлайгани алоҳида эътирофга сазовор.

Шунингдек, «Best Soft Uzbekistan — 2010» кўрғазма-форуми доирасида ахборот соҳаси мутахассисларини иш билан таъминлаш ва касбий йўналтиришга қаратилган — «АТ-мутахассис карьераси кўни» бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ўтказилмоқда. Унда элликка яқин компания ва икки мингдан зиёд компьютер технологиялари билан боғлиқ соҳада иш изловчилар қатнашаётган.

Шаҳобиддин МУСАЕВ

## САВОЛГА ЖАВОБ

— Партия ташкилоти етакчиси қандай бўлиши керак, бугун ундан нималар талаб этилмоқда?

— Ҳар қандай етакчи одамларни партиямиз ғояларига ишонтириб, уларни ўз ортидан эргаштира олиши, етук сиёсатчи бўлиши керак.

Электорат билан ҳамдам, ҳамнафас бўлиш, уларни беэзвта қилаётган муаммолар ечимини топиш, мухтасар айтганда, одамларни рози қилиш партия ташкилоти етакчисининг энг муҳим вазифасидир. Бунинг учун у муттасил изланиши, ўз устида қўнт билан ишлаши, электорат билан ҳамкорликнинг замонавий усулларини қўллаши керак.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар ўз кучини фаол намойиш этиши учун зарур ҳуқуқий майдон яратилган. Эндилкида ўзаро баҳс-мунозараларини жиддий, малакали ва амалий негизда олиб борилиши етакчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимига эга. Бу жараёнда партия ташкилоти етакчиси шижоатли, ташаббускор, тўғри сўз ва қатъиятли, бошлаган ишини охирига еткази оладиган инсон бўлса, обрў топади. Айни вақтда электорат орасида партиянинг мавқеи ҳам мустақкамланади.



Раимборган САБУРОВ,  
Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси:

## 18 май об-ҳавоси

Юртимизда	Хорижда
Тошкент — 29°C	Лондон — 20°C
Самарқанд — 32°C	Париж — 23°C
Нукус — 30°C	Москва — 13°C
Қорғи — 34°C	Мадрид — 26°C
Ургуч — 31°C	Пекин — 17°C
Навоий — 32°C	Гонконг — 25°C
Фарғона — 33°C	Рим — 21°C
Вуғор — 31°C	Анқора — 18°C
Андикон — 31°C	Токио — 22°C
Наманган — 31°C	Стокгольм — 14°C
Теранг — 35°C	Кейптаун — 23°C
Жизак — 31°C	Токио — 22°C
Сирдарё — 31°C	Қоҳира — 27°C
Тошкент вило. — 32°C	Вашингтон — 34°C
	Вашингтон — 17°C

O'zbekiston havo yo'li

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 2010 йил 18 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобовларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловларни учун хорижий валюталарнинг сумга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи.\*

1 Австралия доллари	1370,03
1 Англия фунт стерлинги	2254,54
1 Дания кронаси	259,99
1 БАА дирҳами	428,99
1 АҚШ доллари	1575,61
1 Миср фунти	280,71
1 Исландия кронаси	11,82
1 Канада доллари	1512,10
1 Хитой юани	230,77
1 Малайзия ринггити	487,20
1 Польша злотийси	480,66
1 СДР	2321,41
1 Туркия лираси	1012,28
1 Швейцария франки	1381,14
1 Евро	2001,58
10 Жанубий Корея вони	13,64
10 Япония йенаси	171,60
1 Россия рубли	52,42
1 Украина гривнаси	198,79

\* Валюта қийматини белгиланган чорда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# ДАСТУРИЙ АНИҚ ЙЎНАЛИШЛАР

## қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади

Президентимиз шу йил 27 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламентимиз олдида муҳим вазифалар қўйди. Ҳар томонлама мукамал ва ҳаётий қонунлар қабул қилиш, бунда депутатлар фаолигини ошириш, қонунлар ижроси бўйича депутатлик назоратини кучайтириш, айниқса, депутатларнинг сайлов округидаги фаолиятини яхшилаш лозимлигига алоҳида эътибор қаратди. Юртбошимиз камчилик ва нуқсонларга тўхталиб, Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлиги бўйича чуқур ўйланган ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, узоқ истиқболга мўлжалланган дастурга эга эмаслигини таъкидлади.



**Назира МАТЯКУБОВА,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 13 май куни бўлиб ўтган йиғилишида Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида, Вазирлар Маҳкамасининг йил якулига бағишланган мажлисида давлатимиз раҳбари илгари сурган вазифалардан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг 2010 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастури қабул қилинди. Бу ҳужжат парламент фаолиятини янада кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дастурда Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг истиқболдаги энг муҳим йўналишлари аниқ белгиланган. Унда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор йўналишларининг комплекс равишда ҳуқуқий асосларини таъминлаш; марказдаги ва жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органларининг парламент томонидан қабул қилинган қонунларни ижро этиш бўйича фаолият устидан қатъий парламент, депутатлик назоратини амалга ошириш; фуқаролик ва жамоат институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини

янада ривожлантириш; оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, фуқаролик жамияти тизимида уларнинг тугган ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, миллий матбуотнинг сифатини ошириш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари кўзда тутилган.

**Иқтисодийнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш асосида халқ фаровонлигини янада оширишга қаратилган ислохотларни қонунчилик йўли билан таъминлаш, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури қондаларининг бажарилишини таъминловчи ҳуқуқий базани ва унинг қўлланиш амалиётини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.**

Шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик, мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш масалалари қамраб олинганки, бу мазкур ҳужжатнинг ҳаётий аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

палатасининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастури» Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясида чуқур муҳокама қилинди ва фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Дастурда «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўргатиш ва қўшимчалар киритиш», «Фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш», «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш» каби бир қатор ҳужжатлар партияимиз фракцияси томонидан олиб чиқиши, шунингдек, қатор ижтимоий соҳа раҳбарларининг парламент зитидаги қўзда тутилган. Албатта, бу фракцияимиз аъзоларидан янада фаоллик ва масъулиятни талаб этади.

Табиики, мазкур дастурий ҳужжатнинг ижросини таъминлаш мақсадида Қонунчилик палатаси, ундаги фракциялар ва қўмиталар ўз иш режаларини тузиб чиқадилар. Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари мана шундай иш режасини ишлаб чиқиш жараёнида баъзи масалаларга янада кенгрок эътибор қаратиш таклифи билан чиқишди. Жумладан, биринчидан, амалдаги қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқлар ва процессуал меъёрлар билан тўлдирилиши лозим бўлган қонун ҳужжатларини аниқлаш мақсадида мониторинг ўтказилиши иш режасига киритилиши лозим. Яъни, амалдаги қонунчилик ҳуж-

жатлари янада такомиллаштирилиши учун қўмита ва фракциялар уларнинг таҳлилин ташкил этиши керак. Қўмита ва фракциялар амалга оширадиган бундай таҳлилий ишларни палата Кенгаши йиғилишларида мунтазам қўриб бориш мақсада мувофиқдир.

Иккинчидан, депутатлар фуқаролар ёки электоратнинг у ёки бу масалада янги қонунлар қабул қилиш ёки бўлмаса, амалдаги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритишга бўлган талаб ва эҳтиёжни сайлов округидаги ишларни давомиди ўрганиши ҳам кўзда тутилмоғи лозим. Чунки депутат сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётгани, қабул қилинган қонунлар қандай ишлаётгани, яна қандай қонунларга эҳтиёж мавжудлиги, қайси қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурати борлигини сайловчилар фикри орқали атрафлича ўрганиши мумкин.

Учинчидан, дастурда қонунчилик ташаббускорлигининг бошқа субъектлари томонидан ҳам бир қатор қонунлар киритилиши кўзда тутилган. Демак, дастури амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган ишчи режани қонунчилик ташаббускорлиги бошқа субъектларининг шундай режалари билан тўлиқ мувофиқлаштириш зарур.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Қонунчилик палатаси қабул қилган дастур моҳият эътибори билан нафақат палата фаолияти кучайиши ва мукамал қонунлар яратилишига хизмат қилади, балки бу бордаги ишларни, депутатларнинг ҳар томонлама фаолиятини янги босқичга кўтарди, фракциялар ишини янада такомиллаштиради. Биз шу йўл билан жамиятимиз тараққиётга қўлимиздан келганча ҳисса қўшамиз.

Ўниб-ўсиб келаётган ёшларни турли иллатлар, ёт гоёлардан асраш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бурнининг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Парламент фаолияти

# Истеъмолчилар манфаати,

## ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлмаслиги керак



**Дилбар ХОЛИҚОВА,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг «Реклама масалалари»га бағишланган кенгайтирилган йиғилишида ушбу мавзулар муҳокама этилди. Унда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Ж.Исмоилов маъруза қилди.

«Реклама тўғрисида»ги Қонунга киритилётган ўзгариш ва қўшимчалар асосан тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголь ичимликлар рекламасини бутунлай тақиқлаш, ноқонун ва фирмор рақобатдан тadbirkorларни муҳофаза этиш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

**Бундан ташқари, реклама орқали берилаётган ахборотнинг маъносини бузувчи, истеъмолчининг ҳақ-ҳуқуқлари қўриқилган товарларнинг фойдаланиш, реклама маси тақиқланган товарларнинг номлари, белгилари ёки уларга хизмат кўрсатиш белгиларидан, ўйшаши ном, белги ва хизмат кўрсатиш белгиларидан фойдаланиши ман этиш меъёри ҳам тақлиф этилган.**

Ҳақиқатда ҳам, бугунги кунда шундай рекламаларга дуч келаямизки, унда бошқа бир

тадбиркорнинг товар ва хизмат кўрсатиш белгисидан, фирма номидан ноқонуний фойдаланган ҳолда рекламаси тақиқланган товарларни номлари, белгилари билан товарлар сотилиши учун реклама орқали ахборот ҳам тарқатилиши кузатилмоқда. Шунингдек, истеъмолчининг маънавиятига, менталитетига зарар етказадиган рекламаларни бериш ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, айрим маҳсулотларнинг номлари ва кўринишларидан фойдаланган ҳолда бошқа маҳсулотларнинг ташқи рекламаси амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида рағбатлантирувчи тadbirkorлар рекламасига талабар кучайтирилди. Чунки реклама бозорини ривожлантириш билан бирга, истеъмолчилар манфаати, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилмаслиги керак.

Қонун ижросига катта таъсир кўрсатувчи омил — бу муносабат субъектларининг жавобгарлигини аниқ белгилаб беришдир. Кенгайтирилган йиғилишда қўриб чиқилган қонун лойиҳаси концепциясида реклама берувчи, реклама тайёрловчи, реклама тарқатувчининг жавобгарлиги аниқ белгиланиб, рекламалар ахборотга тааллуқли материалларни тақдим этмаслик ёки атайин нотўғри маълумот тақдим этганини, ташқи рекламани жойлаштириш тартибини бузганлик учун, шунингдек, қонунчиликда тақиқланган маҳсулотлар рекламаларни тарқатгани учун юридик шахсларга молиявий жарималар қўллаш тақлиф этилган.

# Ёшлар учун иш жойлари

Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми, «Меҳр нури», «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази қошидаги «Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази» ташаббуси билан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Меҳнат ярмаркасида вилоятдаги 350 та корхона, ташкилот ва муассасалар 12 минг 750 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази қошида «Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази» ташкил этилганлиги бежиз эмас, — дейди марказ раҳбари Ориф Назаров. — «Баркамол авлод йили»да ёшларни касби, мутахассислиги ва қобилияти, қизиқишларига қараб иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказимиз ўз олдида мақсад қилиб қўйган. Республикаимизнинг барча вилоятларида ҳам ана шундай бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Унда минглаб тенгдошларимиз иш билан таъминланди.

— Самарқанд давлат университети қошидаги 2-сонли академик лицейда жорий йилда 12 та янги иш ўрни яратди. Хозир бизларга 24 нафар ёш му-

рожаат қилди, — дейди академик лицей директори Рустам Йўлдошев. — Улар билан суҳбатлар ўтказиб, энг иқтидорлиларини танлаб оламиз.

— Бу йил Самарқанд маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини тасмоллашди. Узим Пастдарғом туманиданман, — дейди Мунира Аҳадова. — Бугунги бўш иш ўринлари ярмаркаси тўғрисида Пастдарғом тумани маиший хизмат кўрсатиш марказига тикувчи бўлиб ишга жойлашадиган бўлдим.

Мазкур иш ўринлари ярмаркасида минг нафардан ортиқ ёшга ишга жойлаштириш учун йўланма берилди. Тўрт мингдан зиёд ёшларга ишга жойлаштириш ҳақида маълумот берилди.

**Абдували ХУДОЁРОВ**

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон ва Жанубий Корея мусаввирларининг анъанавий Х бадий кўرғазмаси ташкил этилди.

# Анъанавий кўрғазма иш бошлади

Кўрғазманинг очилишида Ўзбекистон ва Жанубий Корея рассомлари, санъатшунослари, тасвирий санъат илмшундорлари, уқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.


Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Кўзиев Президентимиз Исом Каримов ташаббуси билан миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, бу соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкорлар меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ёш авлоднинг маънавияти, бадиий тафаккури, эстетик дидини юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар жаҳон миқёсида эътироф этилаётганини таъкидлади.

Жанубий Корея профессионал рассомлар уюшмаси раиси Же Нам Шин Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданий мероси, кўҳна шаҳарлари, ноёб ва қадимий анъаналарга эга тасвирий санъат мактаби жаҳонда кенг ном қозонганини, бу табаруқ заманда турли миллат вакиллари қатори корейс ижодкорларининг самарали меҳнат қилиши, истеъдодини намойиш этиши учун барча шароит яратилганини таъкидлади.

Анъанага айланган ушбу кўрғазмада мамлакатимиз ва Жанубий Корея мусаввирларининг бир юз элликдан ортиқ тасвирий санъат асарини намойиш этилмоқда. Кўрғазма картиналарини ягона гоё — тўғрилиб ўсган диёрга меҳр-муҳаббат, Ватан учун фахрланиш, она табиятга эҳтиром туйғуси биллаштирган.

— Ўзбек ва корейс рассомлари ижодидаги муштараклик миллий ва умуминсоний гоёларнинг тараннум этилишида яққол намойиш бўлади, — дейди корейлик рассом Чо Чал Хо. — Ўзбекистон рассомлари борлиқини асл ҳолига, бор гўзаллиги ва мафтуноклиги билан ифодалаши ҳамиса ҳавасимни келтиради. Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Ям-яшил боғ ва хиёбонларга, турфа гулларга бурканган Тошкент ижодкорлар учун ўзига хос илҳом манбаи эканига ғувоҳ бўлдим.

**ЎЗА**



# Замонавий тиббий хизмат

Шуманай тумани «Дехқонобод» овул фуқаролар йиғини худудидидаги «Майлиузак» қишлоқ врачлик пункти марказдан 30 километр олисда жойлашган.

— 3884 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатамиз, — дейди ҚВП мудираси Гулзор Тилеуму-

ратова. — Дарҳақиқат, «Соғлом она — соғлом фарзанд» дастури асосида туғиш ёшидаги аёллар, 14 ёшгача бўлган қизлар тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Бу тadbirkor йилга икки марта олиб боряпти.

Маълумки, бугун аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш кўп жиҳатдан замонавий асбоб-ускуналарга ҳам боғлиқ. ҚВП «Саломатлик — 1» лойиҳаси доирасида 14,5 миллион сўмлик тиббий ускуналар

билан тўла жиҳозланган. Умумамалиёт шифокорлари хонадонларда соғлом оилани шакллантириш мақсадида балоғат ёшидаги қизларга тиббий маслаҳатлар бериш, ёшлар орасида тиббий савияни ошириш учун тушунтириш ишлари ташкил этилган. «Соғлом она — соғлом фарзанд» тadbirkor овул ва маҳаллаларда изчил ўтказилмоқда.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

# Танлов яқунланди

Пойтахтимиздаги марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Намунали ҳарбий оила» кўриктанловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ёшларни, жумладан, ҳарбий оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлатимизнинг доимий эътиборида. Халқаро оила кўни муносабати билан ўтказилган танловдан асосий мақсад ҳам ҳарбий оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида миллий қадриятларни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қизиқ ва интилишларини ўрганишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий

қисм ва муассасалари бўйича ўтказилган дастлабки босқичларда голиб чиққан 12 оила иштирок этган тadbirkor биринчи ўринни шартнома асосидаги хизматчи, оддий аскар Алишер Ражабов оиласи қўлга киритди. Иккинчи ўрин майор Улмас Очилов оиласига насиб этди. Кичик сержант Улугбек Худойберганов оиласи эса учинчи ўринга лойиқ топилди.

Тadbirkor Куролли Қучлар марказий ашула ва рақс ансамблининг концерти намойиш этилди.

**Х.САЛИМОВ,** ЎЗА мухбири

2010 йил — Баркамол авлод йили

# Касблар фестивали

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейда умумтаълим мактаблари битирувчилари учун «Мутахассислик — сенинг келажигинг» деб номланган касблар фестивали бўлиб ўтди.

Ёшларни касб танлашга йўналтириш мақсадида ташкил этилган ушбу тadbirkorда Нукус шаҳридаги умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирувчи йигит-қизлар иштирок этди.


Касблар фестивалида шаҳардаги мавжуд беш академик лицей ва 20 касб-хунар коллежларида ёшларнинг чуқур билим олиб, касб эгаллашлари

учун яратилган шарт-шароитга бағишланган кўрғазма намойиш этилди. Битирувчилар ўзлари қизиққан касб бўйича барча маълумотларни олиш имконига эга бўлди.

— Ёшларимиз учун бундай тadbirkorларни барча шаҳар ва туманларда ташкил этмоқдамиз, — дейди Қорақалпоқiston Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тоҳир Дўшакенов. — Орол-буйида бу йил умумтаълим мактабларини тугатаётган ёшларни 9 академик лицей ва 92 касб-хунар коллежи ўз бағрига олади. Уларнинг моддий-техник базаси йил сайин мустаҳкамланиб, замонавий ўқув қуроллари билан тўла таъминланмоқда. Лабораториялар, ишлаб чиқариш устaxonалари эса ўқувчиларнинг касб сирларини мукамал эгаллашлари учун хизмат қилаётди.

**А.ОРТИҚБОЕВ,** ЎЗА мухбири

# ЛЕЙБНИЦ АЛГЕБРА НАЗАРИЯСИ



**Рустам Турдибоев** 1989 йил 25 январда туғилган. Дастлаб, пойтахтимиздаги 107-мактабда, кейинчалик Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейда тахсил олган. 2005 йилда Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультетига ўқишга қабул қилиниб, 2009 йилда уни имтиёзли диплом билан тамомлаган. Бугунги кунда мазкур даргоҳ магистри, Президент стипендианти. Аслида, Рустам бундан беш йил олдин ҳам халқаро математика олимпиадасида ғолиб бўлиши мумкин эди. Ушанда у мактаб ўқувчилари ўртасида Мексикада ўтказилиши кўзда тутилган олимпиаданинг саралаш босқичидан муваффақиятли ўтиб, мамлакатимиз терма жамоаси сафига қабул қилинган. Афсуски, ташкилотчилар юборган таклифномалар ўз вақтида етиб келмади. Шундай бўлса-да, Рустам ўз мақсадига эришди. Ҳолбуки, у Будапешт олимпиадасида Урта Осиёдан қатнашган ягона иштирокчи эди.

— Мусобақа 2009 йилнинг 27-28 июль кунлари

бўлиб ўтди, — дейди ёш олим. — Бизга алгебра, геометрия ҳамда комбинаторикадан беш соатга мўлжалланган ўн та мисол беришди. Ҳар бир мисол ўн балдан баҳоланиб, максимал юз баллни ташкил этди. Биринчи бўлишим учун менга атиги 6 балл етмади. Шундай бўлса-да, Европа ва АҚШнинг кўплаб нуфузли олий ўқув юртига мени ўқишга таклиф қилишди. Будапештдаги «ELTE» дорилфунуни профессори Алис Фиаловский билан ҳамкорликда илмий тадқиқот олиб боришга келишиб олдик.

Таъкидлаш жоизки, ёш олим танлаган лейбниц ва эволюцион алгебра мавзуси математиканинг нисбатан янги, долзарб йўналиши ҳисобланади. Чунки, **лейбниц алгебра назарияси 1990 йилда француз математиги Лоде томонидан фанга татбиқ этилган.** У статистик моделлар, квант механикаси (элементлар, зарралар ҳаракати ва уларнинг ўзаро таъсири) ҳамда молекуляр физикани ўрганувчи Ли алгебрасининг янада тақомиллашуви натижасида юзага келган. XX асрнинг охирида биология, математика фанларининг бир-бири билан ўзаро боғ-

ланиши натижасида умумий генетик алгебра назарияси пайдо бўлди ва у Мендел генетика қонуни деб аталди. Бироқ кейинги йилларда биология фанида бир қатор кашфиётлар қилиндики, генотиплар қўшилишидан ҳосил бўладиган янги организмни ўрганувчи Мендел қонуни фан нуқтаи назаридан ўз ўрнини янги аср остонасида **эволюцион алгебрага** бўшатиб берди.

Бу борада Рустамга ЎзРФА математика ва инновацион технологиялар институти директори, академик, ўзбек олимларидан биринчи бўлиб ЮНЕСКО қошидаги «Ривожланаётган мамлакатлар академия»сининг (бу академияда ҳар йили дунёнинг энг кучли бешта олими фаолият юротида) ҳақиқий аъзоси Шавкат Аюпов ҳамда лейбниц алгебраси асосчиларидан бири Баҳром Омиров йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқда.

У қатор илмий конференцияларда лейбниц ва эволюцион алгебранинг айрим муаммолари ҳақидаги маърузалари билан иштирок этди. Рустамнинг немис профессори С. Алберверо, академик Ш. Аюпов ва Б. Омиров билан ҳаммуаллифликда «**Carton**

**Subalgebras of Leibniz n-Algebras**» («Лейбниц алгебраларининг Карпан қисми») номли мақоласи Бонн университети журналида инглиз тилида эълон қилинди. Мамлакатимиз ва хорижлик олимлар эътирофига сазовор бўлган мазкур мақола Европадаги машҳур «**Communication in Algebra**» журналида қайта чоп этилди. Ҳозирги кунда ёш олимнинг испаниялик тадқиқотчилар Л. Камачо, Р. Гомес ҳамда Б. Омиров

билан ҳамкорликда ёзган «**Some properties of evolution algebras**» («Эволюцион алгебранинг айрим хоссалари») ва «**The derivations of some algebras**» («Айрим эволюцион алгебраларида ҳосиллаш операторлари») номли мақолалари нашр этилиши арафасида.

— Режаларим кўп, — дейди суҳбатдошимиз, — келажакда лейбниц ва эволюцион алгебранинг янги йўналишларида илмий иш қилмоқчиман.

Президентимиз таъкидлаганидек: «**Ўзбек миллиятининг, ўзбек фарзандларининг қобилияти, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ.** Буни Рустам ва унинг тендошлари эришаётган жаҳоншумул ютуқлар ҳам кўрсатиб турибди.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.


Венгрия пойтахти Будапешт шаҳри. Кембриж, Оксфорд, Бонн, Москва, Киев сингари дунёнинг 70 дан ортиқ энг нуфузли олий ўқув юртидан келган 347 нафар иқтидорли талаба ўртасида ўтказилган 16-халқаро математика олимпиадаси ғолибларини тақдирлаш маросими... Бошловчи инглиз тилида совриндорни эълон қилди: «**Rustam Turdiboev, The Nationally University of Uzbekistan.** Саҳнага Мирзо Улўбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Рустам Турдибоев чиқиб келди!..»



Рустам Будапештда бўлиб ўтган 16-халқаро математика олимпиадаси иштирокчилари орасида.

## Жаҳон ҳамжамияти инсоният саломатлиги учун курашмоқда

Одамзот фан-техника ривожланган асрда яшаётган бўлишига қарамай, нафақат касалликларнинг янги турлари, балки «эски»лари хуружидан ҳам батамом қутилгани йўқ.



Яқинда БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ эълон қилган маълумот-ҳисоботда қайд этилишича, айти пайтда Фарбий ва Марказий Африканинг 16 та мамлакатда қизамиқ эпидемияси тарқалган. Ҳозир 22 мингдан ортиқ одам айнан шу касаллик билан оғримоқда. Уларнинг аксарияти болалардир. Жорий йил бошидан бери 200 га яқин киши шу касаллик туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмди.

ЮНИСЕФ вакилининг айтишича, айти пайтда Африкада қизамиққа қарши эмлаш чоралари қўрилмоқда. Бироқ бунинг учун яна 16 миллион доллар миқдорда маблағ керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ривожланган давлатларда эмлаш чоралари режаларга ўтказилгани боис бундай касалликларнинг эпидемик ҳолати деярли кузатилмади. Лекин кўпгина иқтисодий ноҳор мамлакатларда эса хануз аҳоли оғир. Бу ўлкаларда аҳолининг, айниқса, болаларнинг оч-наҳор юриши, тўйиб овқат емаслик оқибатида иммун тизимининг кучсизлангани туфайли оддий қизамиқ ҳам ўлимга олиб келмоқда. Статистик ҳисоботларда қайд этилишича, қашшоқ давлатларда қизамиқдан ўлиш ҳолатлари 30 физга етган.

Бундай ҳолатни Папуа-Янги Гвинея пойтахти Порт-Морсбидда ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда вабо тарқалганлиги боис факулда ҳолат жорий этилган. 5 киши айнан шу инфекция туфай-

ли оламдан кўз юмди. 3 нафари оғир аҳволда, қишлоқ ҳудудларида ҳам касалликдан ўлиш ҳолатлари қайд этилмоқда. Умуман, Папуа-Янги Гвинеяда вабога чалинганлар 3 мингдан ортиб кетди. Ҳозир факулда ҳолат амалда бўлгани боис, аҳолининг у манзилдан бу манзилга ўтиши тақиқланди. Пойтахтда эса ичимлик сувини хлорлаш даражаси оширилмоқда.

Юқумли касалликларнинг эпидемик хуружи қўшни Тожикистонда, Афғонистон, Хиндистону Покистонда ҳам қайд этилган. Айниқса, Тожикистонда апрель охиридан полиомиелит авж ола бошлади. Россиянинг бosh санитар врачлари Геннадий Онисченковнинг маълум қилишича, 300 га яқин бола полиомиелитга чалинган. Умуман, мутахассисларнинг таъкидлашича, кейинги ойларида бу ерда ўртача ҳар минг боланинг 150 нафари юқумли касалликлар билан оғримоқда. Уларнинг 30 нафари айнан полиомиелитдан азират чекиши эса ачинарли ҳолдир.

Шуни унутмаслик жоизки, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишда энг самарали усул эмлаш чораларини ўз вақтида ўтказишдир. Бу тадбир кўйиётал, полиомиелит, қоқшол,

бўмба, қизамиқ сингари касалликлар эпидемиясининг олдини олиш билан бирга бу касалликларни бутунлай бартараф этиш имконини ҳам беради. Маълумотларга қараганда, айнан шу йил билан ҳар йили дунё бўйича камида 3 миллион одамнинг ҳаёти сақлаб қолинади, саломатлиги тикланади.

Бироқ ачинарлиси шуки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ва ЮНИСЕФнинг дунёда юқумли касалликларни бартараф этиш бўйича глобал ташаббуси молиявий етишмовчиликлар боис депсиниб қолаётган бир пайтда айрим мамлакатларда юқумли касалликларга қарши эмлаш чораларини оммавий рад этиш ҳолатлари бу касалликларнинг кенг миқёс олишига сабаб бўлмоқда.

Юртимизда 2 ёшгача бўлган болаларнинг юқумли касалликларга қарши бепул ва хавфсиз эмлаш тизими шакллантирилган. Шу боис ҳам бўмба, қизамиқ ва қизилча сингари хасталикларга барҳам берилган.

Аmmo... кишилик жамияти касалликларга қарши курашни ва

унинг профилактикасини қанчалар кучайтирмасин, барибир одамларни гафлатда қолдириб, касалликларнинг янги турлари пайдо бўлмоқда. Инсоният бу касалликлар қаршисида бир муддат бўлса-да, ожиз қолмоқда.

Гапимизнинг тасдиғи сифатида Канаданинг Британия Колумбия музофотида ва АҚШнинг шимоли-ғарбий штатларида тарқалаётган касаллик кўзгатишчи замбуруғ штаммларини мисол келтириш мумкин.

«Cryptococcus gattii» замбуруғига тааллуқли бу штаммлар одам мияси ва ўпкасига зарар етказиши. У хаво орқали организмга юқди. Одатда ўзганинг организмни кўчириб ўтказилган беморлар, ОИТСга чалинганлар бу касаллик эмлаш тизими шакллантирилган. Эндилдиқ эса штаммлар генетикаси анча мураккаблашгани боис соғлом одамларни ҳам зарарламолда.


Шимолий Каролинадаги Дьюк университети олими Эдмонд Бернс кузатув-тадқиқот ўтказиб, шундай хулосага келдики, замбуруғ штаммлари кўпайиб, тарқалишда давом этмоқда. Яқин кунларда янги ҳудудларга ҳам ўтиши мумкин. Замбуруғ штаммлари билан касалланганларда ўлим даражаси анча юқори эканлиги тасдиқланди: АҚШда қайд этилган айнан шу турга мансуб беморларнинг 21 физга ҳаётдан кўз юмган.

Таъкидлаш керакки, 1999 йилдан 2003 йилгача бу касалликка чалинганлар фақат Ванкувер оро-лидагина бор эди. 2003 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда эса касаллик штаммлари Канаданинг Британия Колумбия музофотига, кейин, яъни 2005 йилдан 2009 йилгача АҚШнинг Вашингтон ва Орегон штатларига ҳам тарқалиб улгурди. Агар унинг тарқалиши йўналиши жиддий таҳлил қилинса, кейинчалик у Шимолий Калифорнияга ҳам ўтиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Замбуруғ штаммлари одамга юққан, унда 2 hafta давомида тинимсиз йўтал, кўкрак қафасда қутилмаган оғриқ, нафас олишнинг қийинлашиши, бош оғриғи, иситма, тунда терлаш, вазнини йўқотиш каби белгилар кузатилади.

Бу штаммлар кучли совуқдагина яшай олмайдди. Демак, кейинги йилларда иклим ўзгаришларини, аниқроғи, ҳароратнинг кўтарилишини ҳисобга олсак, хавф анча жиддий эканлигини сезиш қийин эмас. Бу жараёнларда турли касалликлар тарқалишига жиддий тўсиқ қўйиш эса инсоннинг ўз кўлида.

**Алишқул СУЛТОНОВ,**  
халқаро шарҳловчи



«Европа иммунизация ҳафталиги» тадбирлари Ўзбекистонда иккинчи бор ўтказилиши. Ҳафталик доирасида республикамиздаги бирламчи шифо масканларида болалар эмланиб, оилавий поликлиникалар шифокорлари, маҳаллалар фаоллари, таълим масканлари мутахассислари иштирокчи семинар-тренинглар ўтказилди. Подиатрлар, иммунологлар, санитария-эпидемиология соҳаси шифокорлари ҳам иштирок этган бу каби тадбирларда мамлакатимиз ва жаҳонда иммунизация соҳасида амалга оширилаётган ишлар, янги вакциналарни қўллаш самараси ва бу борада ечимини кутайтган масалаларга оид маърузалар тингланди.

### Шарҳ Хорижда



Миср парламенти мамлакатда 29 йилдан бери амалда бўлган факулда ҳолатни бекор қилди. Фақат айрим, яъни терроризм ва уюшган жиноятчилик билан боғлиқ ҳолларгагина 2 йил давомида факулда ҳолат жорий этиш мумкин. Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун қучга киргандан сўнг факулда ҳолат бутунлай бекор қилинади, дейилади «Масрави» интернет-портали хабарига.

## 29 йилдан сўнг

бекор қилинди

Миср ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган терроризмга қарши кураш бўйича қонун қўриб чиқиш учун ҳозир мамлакат Халқ мажлиси (парламенти)га тақдим этилган.

Маълумки, 1981 йили экстремистлар Миср президенти Анвар Садат ҳонига қарши қилгач, ўша йил октябрда мамлакатда факулда ҳолат жорий этилган. Амалдаги давлат раҳбари Хусни Муборак 2005 йил 7 сентябрдаги президент сайлови олдиндан факулда ҳолатни бекор қилишга ваъда берганди. Бироқ мамлакатда терроризмга қарши кураш бўйича қонун қабул қилинмаганлиги боис факулда ҳо-

латни бекор қилишининг иложи бўлмади.

Бу йил 1 июнда парламент юқори палатаси — Масаҳат кенгашига сайлов бўлиб ўтди. Олий сайлов комиссияси хабарига қайд этилишича, 13 та партиядан 509 нафар номзод рўйхатга олинган. Сайловчилар 67 та сайлов округидан 88 нафар депутатни сайлашлари даркор.

Аслида парламент юқори палатасида 264 та депутатлик мандати бор. Бироқ ҳар уч йилда унинг ярми янгиланади. Яъни 88 нафарини фуқаролар яширин овоз бериш йўли билан сайласа, 44 нафари эса президент ваколатига кўра тайинланади.

БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун Таиландда юзага келган қалтис вазиятни юмшатиш, муаммони бартараф этиш учун ҳукумат ва муҳолифатни сиёсий музокаралар «столи»га чақирди.

## Сиёсий музокаралар

олиб боришга чақирди

Маълумки, кейинги уч кунда Таиланд пойтахти Бангкокда вазият ўта кескинлашиб кетди. Икки ойдан бери «қизил кўйлақлар»нинг норозилик намойишини бостириш учун ҳукумат қўшни ҳатто жанговар қуроллардан фойдаланмоқда. Утган ҳафтанинг пайшанбасида ҳукумат қуч ишлашига рухсат берди, дейилади «France Presse» АА хабарига.

Кейинги уч кунда юз берган тўқнашувлар натижасида 20 га яқин одам қурбон бўлди, 140 дан ортиғи эса турли даража-

да тан жароҳати олди.

Эслатиб ўтамиз: жорий йилнинг 12 мартидан бери Бангкокда Таиланднинг собиқ бош вазири, айти дамда қувинда юрган Таксин Чинават тарафдорлари бўлмиш муҳолиф қучларнинг норозилик намойишлари давом этмоқда. Улар амалдаги парламент тарқатиб юборилиши ва навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказилишини ҳамда Таиланднинг амалдаги бош вазири Апхисит Ветчачива истеъфосини талаб қилмоқдалар.



СПОРТ SPORT

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида бокс бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Сидней Жаксон хотирасига бағишлаб ўтказилаётган халқаро турнирда Ўзбекистон, Россия, Германия, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Хитой Тайпейдан юз нафардан зиёд боксчи иштирок этмоқда.

Халқаро турнир бошланди

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бокс федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақа юртимизда боксчи ривожлантиришга катта ҳисса қўшган жонкуяр мураббий С.Жаксонни хотирлаш, спортчиларимизнинг халқаро тажрибаси, маҳорати ва малакасини ошириш, хорижлик чарм қўлоқ усталарини ўзбек бокс мактаби аъёнлари, имкониятлари ва салоҳияти билан кенгрок таништириш мақсадида ташкил этилди.

га чиққан Раҳмонбек Тошматов Рўзибой Фармоновни 3:2 ҳисобида доғда қолдирган бўлса, вазни 60 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Фазлиддин Гойибназаров дастлабки жангини Муҳиддин Мамажоновга қарши ўтказиб, 9:3 ҳисобида зафар қўчди. Умидли спортчиларимиздан Жавлонбек Қурбонов, Рафиқжон Султонов, Олим Назаров ва Дилшод Раҳимов ҳам турнирдаги дастлабки ғалабасини нишонлади.

Байрам АЙТМУРОВОВ, ЎА мухбири.

Маънавият кўрғони

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Оиланинг жамият тараққиётидаги ўрнини аҳамиятини янада ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, ёшларни турмушга тайёрлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом, баркамол мувоҳида тарбиялаш дастурини кенг тарғиб этиш ушбу тадбирнинг асосий мақсади бўлди.



Абдусиё ХАЙДАРОВ олган суратлар.

ётган энг ибратли оилалар эъозланди. — Рафиқам билан турмуш қурганимга 51 йил бўлди, — дейди «Яқсарой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ХДП аъзоси Ниғмон Низомов. — Мен хизматчи оиласида катта бўлганман. Мутахассислигим авиасоз. 1959 йилнинг 31 май кuni оила қурганимиз. Тўрт ўғил ва икки қизнинг отасиман. 19 нафар неварам, уч на-

фар эварам бор. Ҳамма фарзандларим ўқимишли, ўз соҳаси бўйича ишлаб келишмоқда. Ёшим 78 да. 18 йилдан бери маҳалла оқсоқоли бўлиб ишлаяпман. Оилаларни эъозлашга бағишланган тадбирга санъаткорларнинг куй-қўшиқлари байрамона фойз бағишлади.

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Республика ўқувчилар саройида бежирим нақшинкор қути, безакли лавҳ, аниқ ўлчамдаги космик ракета макети, миллий услубдаги олти бурчакли стул, чавандоз ҳайкали каби ижод намуналарини ҳайрат билан томоша қилдим. Буларни мавжуд тўғарақларда иштирок этаётган 6-7 синф ўқувчилари ясаган экан.



Абдусиё ХАЙДАРОВ олган сурат.

2010 йил — Баркамол авлод йили


Орзулар остонаси

Дарҳақиқат, 1992 йилда Республика ўқувчилар саройи мақоми билан қайта ташкил этилган ушбу муассаса, мактаб ўқувчиларининг дарсдан бўш вақтларини мазмулини ташкил этиши билан бирга, минглаб болаларнинг иқтидорини буй кўрсатиши, касб-хунар эгаллашига имконият эшикларини очмоқда. Бугунги кунда саройдаги тўртта — маънавий-маърифий, амалий ва тасвирий санъат, нафосат, фан ва техника йўналишларидаги 51 та тўғараққа 2700 нафар ўқувчи жалб қилинган. Уларга 62 нафар педагог-ўқитувчи касб-хунар сирларини ўргатмоқда. Бундан ташқари, 22-Меҳрибонлик уйи, жисмоний имкониятлари чекланган болалар ўқийдиган 101-мактаб-интернатда ҳам тўғарақлар ташкил этилган.

ли бўлган буюмларни ясаганимда ота-онам жуда хурсанд бўлади. Бўш вақтларимда устозим топширган ишни охирига етказиб қўйишга ҳаракат қиламан. Келажакда уста бўлмоқчиман. Юртимизда бунёд этиладиган биноларни ёғоч ўймакорлиги билан безатишга ўз ҳиссамни қўшаман. «Космик макетлаштириш ва моделлаштириш» ҳамда «Ракетасозлик» тўғарақлари хоналарида ўқувчи-ёшлар ясаган хилма-хил космик ракета макетлари қўйилган. Улар орасида 1 км. баландликка парвоз қиладиганлари ҳам бор экан. «Ракетасозлик» тўғарағи раҳбари Алишер Усмоновнинг айтишича, ўқувчилар космик ракета макетларини яшаш баробарида 17 та касбдан хабардор бўлар экан.

Абдусалим МАХМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бугун ёшларимиз орасида телекоммуникация ва компьютер технологияларига қизиқувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда.



Зиёдулла НОРМУРОВОВ олган сурат.

Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежи ёшларга айнан ана шу соҳада билим беришга ихтисослашган. Бу ерда бир минг икки юз нафардан зиёд ўғил-қиз еттита йўналиш бўйича таълим-тарбия олмақда. Уларнинг чуқур билим олишлари, замонавий хунар эгаллашлари учун билим масканида барча шарт-шароитлар яратилган.

Суратда: коллеж талабалари ҳаётидан лавҳа.

Жанжални катталаштирган катталар

Гина сақлаш, адоват ёки бировнинг иложсизлигидан фойдаланиб қолиш — ёмон одат. Бундай кишилар эл орасида обрў олмайди, ҳаддан ошишлари билан ўзларини шармандаю шармисор қилади.

2008 йилнинг 23 октябрдан 24 октябрга ўтар кечаси Шўрчи туманининг «Бахшитапа-1» маҳалласида яшовчи Рашид «Уста Чори Баҳром» фермер хўжалигининг пахта майдонига кўсақ тараётган эди. Тунги кўсақ ўтрисини фермернинг ўғли Бозор кўриб қолади. У билан Рашид ўртасида тортишув юзага келиб, охири жанжалга айланади. Рашид шифохонага олиб борилди. Шифокорлар тезда унга жавоб беришди. Фермер Чори Назаров ва Рашиднинг отаси Маматвали Дўстқобиловлар ҳам ўзаро келишган ҳолда тарқалишди.

Юқорида бўлиб ўтган кўнгилсизлик ҳам кечирилганда, бўлиб ўтган ишга қўл силтанганда ўртада низо таранглашмаган, душманлик авж олмаган бўлар эди. Афсуски, фарзандларнинг кичкина жанжали катталарнинг асоссиз аралашуви, бир-бирига кек сақлаши натижасида кескинлашди. Жаримадан кўнгли тўлмаган Маматвали Дўстқобиловлар турли идораларга шикоят қила бошлади: «Шўрчида ҳақиқат йўқ. Ўғлимга нисбатан адолатсизликлар бўлапти...» Ҳаргал текширувчилар келар, мазкур иш юзасидан қонуний тўхтамога келингани айтиларди. Бундан шикоятчининг кўнгли тўлмай, текширувчиларга фермер ўз хоҳиши билан ерни топширсин, деган талабни қўйди...

қимлар ҳаракат қилмади, дейсиз. Маҳаллаю кишлоқ фуқаролар йиғини раиси, фаоллардан тортиб гапга чечан оқсоқоллар саяй-ҳаракати ҳам бесамар кетди. Жавоб битта: «Фермерни қаматмасам қўймайман...»

Эза-ёз, текшир-текширдан безилаб қолган фермер Чори Назаров Маматвали Дўстқобиловлар шартла-

рига кўнади: 1 тонна бугдой, иккинчи экин сифатида фермер хўжалиғи тасаруфидида майдондан 30 сотих ер беришга ҳам рози бўлди. Лекин шикоятлар тўхтамади. Ўтган йилнинг 22 октябрда ака-ука Маматвали Дўстқобиловлар, Маматмурод Бобоназаров ҳамда Чори Назаровлар «Бахшитапа-1» маҳалла фуқаролар йиғини-

мер 10 миллион сўм пул ёки ҳар бири 10 сотихдан иборат учта томорқа берса, ишларга чек қўяман...» 25 октябрда яна вилоятга ёзилган шикоят бўйича ҳар икки томон туман кишлоқ ва сув хўжалиғи бўлимига йиғилди. Маматвали Дўстқобиловлар агар Чори Назаров унга 5 миллион сўм ва 10 сотих ер берса ёзув-чиёвни бас қилишни айтиди. Фермер эса 1 миллионга зўрға рози бўлди. М.Дўстқобиловлар кўнмади...

ҳақида тилхат ҳам ёздириб олинди. Ака-укалар 3,5 миллион сўм пул ва 10 сотих томорқа ер ҳақидаги тилхатни қўлтиқлаб ташқарига чиқишганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан қўлга олинди. Суд ҳукми билан айбдорлар жиноятларига яраша жазосини олди. Лекин арзимас бир низо ёши улўф одамларнинг ўзаро адоват сақлаши оқибатида мана шундай хунук ҳолат билан туғашни кишини ўйлантиради. Аслида биз, катталар фарзандларимизга кечиримлигимиз, оққўнгилгимиз билан ибрат бўлишимиз керак эмасми? Аббос ХОЛМҲИМОВ, Жиноят ишлари бўйича Шўрчи туман суди раиси.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

манфаатли «СОВРИН ПЛЮС КАПИТАЛ» ютуқли омонатини тақлиф этади. Омонат бўйича фойз даромадлари билан бирга, омонат бўйича ўтказиладиган ютуқлар тиражлари натижасига кўра 2000 дан ортиқ пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражлари жорий йилнинг май ойидан бошлаб ҳар 2 ойда ўтказилади.

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИАТ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони ёки банкнинг www.xbrg.uz расмий сайти орқали олишингиз мумкин.

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affer HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqliy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda; MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy; Navbatchi: Ravshan SHODIYEV; Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi; Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV; «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bo'smaxonasida chop etildi; Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy; Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshamba, payshanba va shamba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi; G — 449; 13594 nusxada bosildi; T — Tijorat materiallari; ISSN 2010-7633; O'za yakuni — 22.00; Topshirilgan vaqti — 01.30; 1 3 4 5; Sotuvda erkin narxda.